



Швециялик сиёсатчининг халол гўштнинг сеҳрли кучи ва уни истеъмом килган инсонни мусулмонга айланишига сабаб бўлиши хақидаги сўзлари кескин эътирозларга сабаб бўлди.

Мамлакатдаги аҳолининг 20 фоизи кўллаб-қувватловчи “Швеция демократи” (Sweden Democrat) номли ултра ўнг миллий партияси, мактабларда халол гўшни таъкиклаб кўймоқчи. Партиянинг Хеби миллий каноти етакчиси Макл Охман (Michael Ohman) сўзига кўра: “Агар халол гўшт истеъмом килсангиз, сиз мусулмон бўлиб коласиз”. Репортер томонидан депутат халол гўштнинг мўжизавий таъсири бор деб ишонади-ми деб сўраганида, Майкл Охман: “Ха, албатта. Биз бу ҳақда огохлантирган эдик. Улар ҳамма жойга халол гўшни тикиштирамоқдалар”, - деб жавоб берган. Майкл Охман швеция демократлари партиясининг Хеби кичик шаҳарчаси аъзоси бўлиб, шаҳарча Стокгольмдан шимоли-ғарб тарафда 115 километр узокликда жойлашган. Шунингдек, у маҳаллий мактабларда халол гўшт таъкикланишини хошлашини айтган. Охманнинг фикрича, халол гўштнинг Швецияда оммавий тус олиши, мамлакатда хайвонларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисидаги қонунга хилоф келади.